

МАЪЛУМОТ

“Ўзбекистон Республикасининг Божхона хизмати тўғрисидаги” Қонунининг 6-моддасига мувофиқ божхона органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган мақомига эга. Шунга кўра, божхона ходимлари лавозимга тайинланади ёки озод этилади.

Божхона ходимлари билан Меҳнат кодексига мувофиқ **меҳнат шартномалари тузилмайди**. Улар алоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2018 йилдаги 3665-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона органларининг Интизом Низоми”га кўра лавозимга **тайинланади ва озод этилади**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.04.2018 йилдаги 3665-сон қарорига кўра “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона органларининг Интизом Низоми”да (2-боб. Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари) 9-банди **“Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши ва фаоллик билан унинг профилактикасига кўмаклашиши шарт.”**;

23-бандида: "Бошлиқ қўйидагиларга мажбур:.... **коррупция ва ўз ваколатларини суюистеъмол** қилиш ҳолатларининг олдини олиш, ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатларга чек қўйиш чораларини кўриш, деб кўрсатилган. **Ушбу норматив ҳужжатлар билан барча божхона ходимлари таништирилган**.